

ХАБАРЛАР

Зеленский: россияликлар уч кунлик уруш бешинчи йилга кирганини ўз кўзи билан кўрмоқда

дақиқа аввал



Piroschka van de Wouw (Reuters)

Украина президенти Владимир Зеленский 29 июн куни қилган мурожаатида, Кремл қанчалик вазиятни ўз назоратида тургандай кўрсатишга уринмасин, бунга муваффақ бўлолмайди деб таъкидлади.

- Путин телевидениеда хоҳлаганча “ҳаммаси назорат остида, ёқилғи етарли” деб айтиши мумкин. Аммо Россиянинг турли ҳудудларида ёқилғи учун навбатда турган одамлар “уч кунлик уруш” аллақачон бешинчи йилга қадам қўйганини ўз кўзи билан кўриб турибди. Нефт ишлаб чиқарувчи давлатнинг ўзида ҳам энди ёқилғи тақчиллиги юзага келмоқда. Бу урушнинг бевосита оқибати. Биз уруш реаллигини Россияга қайтаряпмиз ва унинг бизнинг ерларимизни оккупацияда

ушлаб туришини максимал даражада қийинлаштиряпмиз, - деди Владимир Зеленский.

2022 йил февралдаги босқиндан кейин Россия қўшинлари дастлаб Киевга юриш қилишга уринган, бироқ муваффақиятсизликка учрагач, чекиниб, эътиборни Донбассни эгаллашга қаратган.

Россия Луганск вилоятини тўлиқ, Донецк ва Запорожье ҳудудларининг катта қисмини назоратга олган.

Москва қўшинлари Донецк вилояти орқали Ғарбга секин илгарилаётган бўлса-да, Украина расмийларига кўра, мамлакат ўрта ва узоқ масофали дрон ҳужумларини кучайтиргани сабаб бу илгарилаш анча сустлашган.

Озодлик уруш шаротида томонлар бераётган маълумотларни мустақил манбалардан тезкор текшириш имконига эга эмас.